

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.5:657(575.1)

Садикова Ситора Шохрух қизи

БАНКЛАРДА ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ
ҲАМДА ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Мутахассислик: 5A230901– «Бухгалтерия ҳисоби» (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.д. доц. Абдусаломова Н.Б.

Тошкент-2021

Мазкур магистрлик диссертация ишида иктисодиётни я
ривожлантириш шароитида банкларда даромад ва харажатлар ҳис
хусусан унда даромадлар ҳисобини шакллантиришнинг ўзига
хусусиятлари тадқиқ қилинган, хориж тажрибалари чуқур ўрганилган ҳ
уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асо
такомиллаштиришга бўйича илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар и
чиқилган.

This master's dissertation studies the peculiarities of income and expend
accounting in banks in the context of further development of the econom
particular, the formation of income accounting, in-depth study of for
experience and scientific proposals and practical recommendations for
improvement on the basis of international financial reporting standards.

Магистрлик диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби” кафедра
дастлабки ҳимоядан ўтган: «_____» - сонли баённома «_
_____» 2021 йил.

Илмий раҳбар: доц. Н.Б. Абдусаломова


имзо

25.06
сана

Магистр: С.Ш. Садикова

имзо

сана

“Ҳимояга тавсия этилади”
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси
Мудири, проф. Абдусаломова Н.Б.


“ 25 ” июнь 2021 йил

Ҳимоя 2021 йил “28” июнь соат 14-00 да Тошкент давлат иқтисо
университетида бўлиб ўтади.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб. Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобининг назарий – услубий асослари.....	8
1.1. Тижорат банкларида банк молиявий натижаларини иқтисодий мазмуни, моҳияти ва туркумланиши.....	8
1.2. Тижорат банклари даромад ва харажатларини пайдо бўлиш манбалари.....	14
1.3. Тижорат банкларининг капиталлашувида даромад ва харажатларининг аҳамияти	29
1-боб бўйича хулоса	39
2-боб. Акциядорлик тижорат Халқ банки Бош офисида молиявий ҳисоботлар тузиш тамойиллари ҳамда даромадлар ва харажатлар таҳлили.....	41
2.1. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тамойиллари.....	41
2.2. Акциядорлик тижорат Халқ банки Бош офиси даромадларининг таҳлили.....	51
2.3. Банк операциялари даромадлилигининг таҳлили.....	55
2.4. Банк харажатларининг ҳисоби, таркиби ва тузилиши.....	64
2-боб бўйича хулоса	70
3-боб. Иқтисодиётни янада ривожлантириш шароитида тижорат банклари молиявий натижаларини аниқлаш усуллариининг такомиллаштириш омилларни.....	72
3.1. Тижорат банклари соф даромадини аниқлашни такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар	72
3.2. Тижорат банкларининг ликвидлиги ва уни бошқариш йўлари.....	79
3-боб бўйича хулоса	87
Хулоса	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Банк муассасалари молиявий барқарорлигининг асосий белгиларидан бири улар фаолиятининг даромадлилиги ҳисобланади. Иқтисодиётни янада ривожлантиришда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши бевосита банк тизими билан боғлиқ. Зеро, банк тизими бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларни молиялаштиришнинг ишончли молиявий институтларидан биридир. Яъни, банклар мамлакат иқтисодиётида жамғармаларни шакллантириши, воситачилик операцияларини амалга ошириши, кредитлар бериши ҳамда қарз олувчилар томонидан молия интизомига риоя этилишини назорат қилиш борасида муҳим аҳамият касб этувчи субъектдир. Тижорат банклари бозор инфратузилмасидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун функцияларини тўлақонли тарзда бажаришлари талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашни тақозо қилади. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти – капитал етарлилигини таъминлаш, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига эришиш, банк фойдасини кўпайтириш ва харажатларини камайитириш ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли фармони билан тасдиқланган “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш Стратегияси тўғрисида” да молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш, банкларнинг худудларга кириб боришини кенгайтириш ва барча аҳоли пунктларида бир хил турдаги хизматлар кўрсатилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши лозимлиги таъкидланган. Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий